


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 6680,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 6497,4 млрд. сўмни (102,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 80,2 млрд. сўмни (101,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 103,0 млрд. сўмни (155,0 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Ҳосил йиғими. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 242,7 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилди.




Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 67,7 минг тонна картошка, (2017 йилга нисбатан 10,3 фоизга кўп), 247,3 минг тонна сабзавот (1,3 фоизга кўп) йиғиб олинди, 138,6 минг тонна полиз экинлари (2,6 фоизга кўп), 49,8 минг тонна мева ва резаворлар (5,8 фоизга кўп) ва 7,3 минг тонна узум (5,7 фоизга кўп) етиштирилди.

2018 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўшиш суръати, фоизда	тонна	ўшиш суръати, фоизда	тонна	ўшиш суръати, фоизда
Дон	167150	77,3	70693	98,8	4859	55,1
Пахта	159243	91,5	-	-	693	113,1
Картошка	16993	116,9	50181	108,4	562	96,7
Сабзавотлар	69967	100,6	174389	101,9	2963	88,3
Полиз	61841	95,7	74949	109,8	1768	85,1
Мевалар ва резаворлар	13998	100,7	29983	108,6	5769	104,7
Узум	937	100,0	6043	104,5	343	162,6

2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





Чорвачилик. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йirik шохли қорамоллар 103,4 фоизга (жами 1094,2 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 104,1 фоизга (315,3 минг бош), қўй ва эчкилар 105,4 фоизга (1087,1 минг бош), отлар 106,1 фоизга (23394 бош), паррандалар 107,6 фоизга (4,2 млн. бош) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут маҳсулоти 99,1 ва тухум ишлаб чиқаришда 92,9 фоизни ташкил этди.


2019 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони


	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли қорамол	1094,2	103,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	49,3	107,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1035,8	103,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,1	107,1
улардан сигирлар	315,3	104,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	15,6	106,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	297,1	104,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,6	104,0
Қўй ва эчкилар	1087,1	105,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	108,3	128,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	962,9	102,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	15,9	140,7
Отлар	23,4	106,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	4,0	124,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	19,1	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	126,3

	минг бош	ўсиш суръати, %
Паррандалар	4165,6	107,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	236,3	100,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3725,1	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	204,2	145,2

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,7 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,5 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,2 ва 4,9 фоизни, қўй ва эчкилар 88,6 ва 10,0 фоизни, отлар 81,5 ва 16,9 фоизни, паррандалар 89,4 ва 5,7 фоизни ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони






2018 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 106,5 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 5,1 фоизга кўп), 376,5 минг тонна сут (3,4 фоизга кўп), 303,1 млн. дона тухум (16,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.


2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	106,5	105,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2,6	108,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	103,3	105,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	80,6
Сут, минг тн.	376,5	103,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	17,7	113,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	355,4	103,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,4	107,8


	миқдори	ўсиш суръати, %
Тухум, млн. дона	303,1	116,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	17,8	133,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	264,0	109,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	21,3	3,7 м.

2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





**2018 йил январь-декабрида чорвачилик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1771,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 27,4 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 49,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,6 минг бош сигир, 108,3 минг бош қўй ва эчкилар, 3959 бош от, 236,3 минг бош паррандалар мавжуд.

2018 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-декабрь				2017 январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил		2018 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	216139	72,9	167150	68,9	77,3
<i>шу жумладан: бугдой</i>	115946	70,0	123158	73,6	106,2
Пахта, <i>тонна</i>	173995	99,6	159243	99,6	91,5
Картошка	14534	23,7	16993	25,1	116,9
Сабзавот	69558	28,5	69967	28,3	100,6
Полиз	64628	47,9	61841	44,6	95,7
Мева ва резаворлар	13894	29,6	13998	28,1	100,7
Узум	937	13,5	937	12,8	100,0
Гўшт, тирик вазнда	2378	2,3	2580	2,4	108,5
Сут	15653	4,3	17686	4,7	113,0
Тухум, <i>млн. дона</i>	13,3	5,1	17,8	5,9	133,7
Жун, <i>тонна</i>	72	6,1	105	8,1	145,8
Пилла, <i>тонна</i>	286,5	82,6	510,5	84,1	178,2